

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ


ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

60112500 – МАКТАБ МЕНЕЖМЕНТИ

бакалавриат таълим йўналишининг

МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Тошкент - 2022



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат педагогика университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги _____ бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «12»
08 даги 5 -сонли йигилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2022 йил «9» 09 даги 302 -сонли буйруги билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби олий таълимнинг Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкаси ва касб стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60112500 - Мактаб менежменти бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60112500 - Мактаб менежменти таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	5
1.2.	<i>60112500 – Мактаб менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i>	5
1.2.1.	<i>60112500 – Мактаб менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари</i>	5
1.2.2.	<i>60112500 – Мактаб менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятлариниң объектлари</i>	5
1.2.3.	<i>60112500 – Мактаб менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари</i>	5
1.2.4.	<i>60112500 – Мактаб менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари</i>	0
2.	<i>60112500 – Мактаб менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i>	8
2.1.	Умумий компетенциялар	8
2.2.	Касбий компетенциялар	9
	Библиографик маълумотлар	11
	Малака талабини ишлаб чиқишда фойдаланилган касб стандарти	13
	Келишув вараги	

1. 60112500 – Мактаб менежменти бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60112500 – Мактаб менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш тайёрлаш миллий малака рамкаси, касб стандартлари, кадрлар буюртмачилари талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришдан ажралган холда таълим олиш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Таълим шакли бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил килинади.

Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

Бакалавриат ўкув дастурининг ҳажми кундузги таълим шакли фойдаланиладиган таълим технологияларидан катъий назар 240 кредит бирлигини ташкил этади.

Бир ўкув йили учун бакалавриат таълим дастурининг ҳажми 60 кредит бирлиги ташкил этади.

Мазкур йўналиш доирасида ўкув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича асосий ва кўшимча мутахассислик (квалификация) беришамалга оширилниши мумкин. Академик гуруҳ танлови асосида траекторияга кўра квалификация университет Кенгаши томонидан тасдиқланади. Кўшимча мутахассислик (квалификация) учун ўкув режанинг танлов фанлари таркибидан 40-60 кредит миқдорида ўкув ташкил қилиниши назарда тутилади.

1.1. Кўлланиши соҳаси.

1.1.1. 60112500 – Мактаб менежменти таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.

Малака талаби 60112500 – Мактаб менежменти таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўкув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмумини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- 60112500 – Мактаб менежменти мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва ўкув дастурларини ишлаб чиқиши ва уни янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун маъсул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларининг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат килувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи таълим ташкилотлари корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60112500 – Мактаб менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60112500 – Мактаб менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60112500 – Мактаб менежменти – Таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим, профессионал таълим ва мактабдан ташкари таълим муассасаларини бошқаруви (мулк шаклидан катъий назар), уларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш истикболларини белгилаш бўйича иктисодий, ташкилий ва таълим хизматларини кўрсатиш масалалари ечимларини самарали бошқарувини амалга ошириш, таълим менежерлиги ва педагогик фаолият, таълим сифатини назорат қилиш, ҳалқаро баҳолаш дастурлари, таълимда инновацияларни бошқариш, тайм менежменти каби комплекс масалалар билан бөглиқ касбий соҳалар мажмуасини камраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва таълим технологияларининг замонавий ютуклари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқкан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида кўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 60112500 – Мактаб менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари:

- умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим, профессионал таълим ва мактабдан ташкари таълим тизими муассасалари (мулк шаклидан катъий назар);
- умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим, профессионал таълим ва мактабдан ташкари таълимлари муассасаларида бошқарув самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш ва педагогик жараёнлари;
- бошқарувда вазиятли ва тизимли ёндошув тамойилларини татбиқ этиш, давлат ва маҳаллий бошқарув карорларини амалга ошириш жараёнлари;
- таълим муассасаларида замонавий бошқарув тизимини ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш, таълим сифатини назорат қилиш, ҳалқаро баҳолаш дастурлари ва меҳнатни рағбатлантириш жараёнлари.

1.2.3. 60112500 – Мактаб менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-педагогик бошқарув фаолият;
- педагогик фаолият ва таълим хизмати кўрсатиш;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- маънавий-маърифий фаолият;
- тафбиркорлик.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланадиган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор буюртмачилари иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аникланади.

1.2.4. 60112500 – Мактаб менемжменти таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60112500 – Мактаб менемжменти таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувоффик бакалаврият битиривчиси кўйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Ташкилий-педагогик бошқарув ҳамда педагогик фаолият ва таълим хизмати кўрсатиш фаолиятида:

- таълим жараёнлари бошқарувини ташкил этиш ва самарали бошқариш;
- умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим, профессионал таълим ва мактабдан ташқари таълим тизими муассасалари (мулк шаклидан катъий назар) фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий педагогик, ахборот технологиялар ва иқтисодий билимларни кўллаш орқали бошқариш;
- таълим муассасалар ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, илмий ва педагогик салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рагбатлантириш тизимни йўлга кўйиш;
- таълим хизматлари ва бошқаруви фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- касбга оид педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган холда таълим жараёнлари диагностикаси, мониторинги ва таълим сифатини баҳолаш механизmlарини ишлаб чиқиш;
- менежер ижодий кучларининг намоён бўлиши имконини берувчи бошқарув шакли ва услубларига макбул бўлиши;
- таълим муассасаларида менежмент ва иқтисодга оид фанлардан ўрнатилган тартибда дарс машгулотларини олиб бориш, фанлар йўналишида ўкув дастурлари, ўқитишининг инновацион технологиялари ва методлари, баҳолаш мезонлари, таълим мазмунини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш;

- педагогик жамоани ўкув-тарбия фаолиятини режалаштиришда моддий харажатлар масалаларини уларнинг максимал самарадорлиги асносида хал килишда иктисодий дастакларни ишга солиш;
- бошқарувчи бошқарув тизимини самарадорлик даражасини рўёбга чиқаришда ўзгараётган вазиятларга ўз вактида муносабат билдириб бориш;
- бошқаришда жамият ривожининг объектив конунларини билиш, янги ходисаларни умумлаштириш, ишдаги илгор йўналишларни хисобга олиш ва уларни интеграллаштириб бориш;
- раҳбарлар ва педагогик ходимларниң хатти-харакатлари, фаолият услубларини инновацион ғоялар билан бойитиб бориш;
- коммуникатив, компетентлилик хисобланган, турли шароитларда инсонлар билан ҳамкорлик кўрсатиш фаолиятини илмий-методик асосларда ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги инновацион ғояларни киритиши;
- таълим жараёнларини ташкил этишда инновацион бошқаришини сифат ва самарадорлигини оширишга тизимли, вазиятли, корпоратив, блок-модулли, шахсга йўналтирилган таълим ёндашувларни ташкил этиш;

Илмий-тадқикот фаолиятида:

- илмий-тадқикот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқикот ишларини амалга оширишда катнашиш;
 - таълим муассасаларни замонавий самарали бошқариш тизимини таъминлашда республикадаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуклари, маҳсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;
 - таълим тизимини замонавий бошқаришни таъминлашда муаммоли мавзулар бўйича иктисодий ахборотларни йиғиши, қайта ишлаш, таҳлил килиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш; - тадқикотчилик ва таҳлилий фаолиятга, республикадаги ва хориждаги илгор тажрибаларни ўрганиш, педагогик маҳоратни ошириш ва ўзини ўзи ривожлантириш, инновацион жараёнлар ва креативликни амалга ошириш;
 - интернет тармоғида энг янги илмий ютуклар хакидаги маълумотларни максадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
 - илмий тадқикот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа алабиётларни экспертизасини амалга оширишда катнашиш;
 - тадқикот натижалари ва ишланмаларни татбик этиш.
- *маънавий-маърифий фаолият;**
- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ходимлар, педагоглар ва ўкувчилар онгига миллий гояни сингдириш кобилияти;
 - жамоада мағкуравий ва ахборот хуружларига карши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;
 - наст ўзлаштирувчи ва иктидорли ўкувчилар билан ишлашни самарадорлигини ошириш учун таълим муассасаси маънавий-маърифий

ишилар бўйича раҳбар ўринбосари, амалиётчи психолог ва тажрибали, илғор ўқитувчилар хамкорлигига мазкур ўқувчилар билан аниқ мақсадга йўналтирилган “Йўл харитаси”ни тузиш хамда мазкур режадаги вазифаларни бажариш;

- Ватанпарварлик, инсонпарварлик, фидойилик, принципиаллик, коммуникативлик тушунчаларининг мазмун моҳияти ва аҳамиятини педагогик жамоага тушунтира билиш;

- таълим ташкилотида ноқонуний (наркамания, жиноятчилик, турли экстремистик оқимлар ва х.к.) йўлларга кириб бораётган ва мактабга сабабсиз келмаётган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари (ёки конуний восийлари) билан сухбатлар, учрашувлар ташкил қилиш;

- маҳалиларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал сухбат ўтказиш;

- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказиша, умуминсоний кадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш;

- раҳбарлар, ўқитувчи-тарбиячилар, педагог ходимлар, мутахассислар ва бошқа хизмат кўрсатувчи ходимларнинг биргаликда амалга оширадиган меҳнат натижаларидан уларнинг тенг даражада коникиш хосил килишларига эришиш;

- бошқарув жараёнларида мавжуд сунъий тўсик ва қарама каршиликларнинг жамоадаги онгли интизомга салбий таъсир кўрсатишнин олдини олиш.

Тадбиркорлик фаолиятида:

- таваккалчиликни бошқариш
- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. 60112500 – Мактаб менемменти таълим йўналиши бўйича бакалавриат таълим йўналишининг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

Халқ таътиими тизими, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари раҳбар ва мутахассис ходимларнинг барча тоифалари учун умумий бўлган компетенциялар таркиби:

1. Коммуникатив компетенция.
2. Ахборот коммуникация технологиялари ва медиа саводхонлик компетенцияси.
3. Ўзини-ўзи ва кадрларни касбий ривожлантириш компетенцияси.
4. Масъулият ва мослашувчанлик компетенцияси.
5. Инклузив таълимни жорий этиш компетенцияси.
6. Хукукий компетенция.

2.2. Касбий компетенциялар:

таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўкув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни хисобга олиш, ўкув материалларини моделлаштириш;

яхлит педагогик жараённинг умумий конун, конуният ва тамойилларига амал килиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик конуниятларнинг уйгунилигига эришиш;

таълим-тарбия жараёни таркибий кисмлари (максад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоказорлиги ва умумийлигини хисобга олиш;

таълим-тарбия жараёнини ташкил этишининг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш, ўкувчиларнинг бўш вактини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллӣ менталитетга мослигини таъминлаш;

менежмент назарияси ва тарихини ўзлаштириш;

умумтаълим мактабларида бошқарувни ташкил этиш билан баглик миллӣ ва замонавий билимларни эгаллаш;

таълим менежментиасосларини ва таълим менежментининг умумий конуниятларини чукур ўзлаштирганлиги;

чет эл таълим тизимида менежментнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва умум таълим мактабларида самарали кўллаш қобилияти,

мактаб таълимини замон талабларидан келиб чиқиб ташкил этиш, таълим маркетингидан фойдаланиш;

умумтаълим мактабларининг иктисадий асосларини ўзлаштириш, стратегик манежмент имкониятларинидан фойдаланиш ва молиявий ресурсларни бошқариш кўникмаларини эгаллагаш;

умумтаълим мактабларида корпоратив бошқарувни тадбик этиш ва лойиҳалар билан ишлаш қобилияти;

бошқарув маҳоратига эга бўлиш, унинг ижтимоий-психологик асосларини эгаллаганлиги.

Үқув даврлари	Хафта тәксимоти
Назарий ва амалий таълим	40-65%
<i>Шу жумладан, аудитория (контактлы) ва мұстақил таълимнің нисбаты</i>	<i>40/60 нисбатдан 50/50 % нисбатгача</i>
Аттестация	* 6-15%
Таътил	8-15%
Малакавий амалиёт	6-25%
Битирув малакавий иши	2-7%

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7
OKC 01.040.01

Гурӯҳ Т 55

Таяинч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежмент, тармоклар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўкув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака ималиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, лойихалаш, прогнозлаш, таълим сифати, таълимда инновация, илмий-тадқикот жараёни.

**60112500 – Мактаб менежменти бакалавриат таълим йўналиши
бўйича таълим дастурининг тузилиши**

Т.р.	Файлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламан инг хажми, соат
1.00.	Мажбурий файлар	3360
1.01.	Умумий психология	240
1.02.	Бошқарув назарияси	120
1.03.	Иқтисодиёт назарияси	300
1.04.	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	120
1.05.	Медиасаводхонлик ва ахборот маданияти	120
1.06.	Мутахассисликка кириш	300
1.07.	Умумий педагогика	240
1.08.	Инклюзив таълим. Госпитал педагогика	120
1.09.	Таълим менежменти асослари	300
1.10.	Таълим маркетинги	180
1.11.	Мактабда персонални бошқариш	240
1.12.	Таълим сифати менежменти	240
1.13.	Стратегик менежмент ва стратегик маркетинг	240
1.14.	Таълим иқтисодиёти; раҳбарнинг молиявий компетентлиги	360
1.15.	Иқтисодий бидим асосларини ўқитиш методикаси	180
1.16.	Узлуксиз таълимдаги тенденциялар ва замонавий ёндашувлар	60
2.00.	Тайлор файлар, Тайлор файлар (ECTS)	2520
3.00.	Амалиётлар	1320
	ЖАМИ	7200

Малака таъбини ишлаб чиқишида фойдаланилган касб стандарти:

Касб стандарти номи	Касбий фаолият тури	Касб стандартининг кайд килиш раками	Касб стандартини амалиётга жорий этиш санаси
Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси	Умумий ўрта таълим педагогик фаолият	P 003.1286/И-21 *	23.08.2021 №332 ИЧ

Манба: Касб стандартлари реестри. Манба: Касб стандартлари реестри. Ўзбекстан менинди оғиз реестридаш (2021)

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари
хамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИКИЛГАН:

Тонкент давлат педагогика университети



Ректор

А.Киргизбаев

2022 йил « ____ »

КЕЛИШИЛГАН:

Кадрлар буюртмачиси:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги хузуридаги Республика таълим
маркази

Директор

Ш.Ш.Саттаров

2022 йил « ____ »
М.У.

Директор *Ш.У.Якубов*

2022 йил « ____ »
М.У.



Жizzах давлат педагогика
университети

Ректор
2022 йил « ____ »







Кўкон давлат педагогика институти

Ректор

2022 йил « ____ »



**60112500 – Мактаб менежменти бакалавриат таълим
йўналиши бўйича ишлаб чиқилган
малака талаби мазмуни бўйича ишчи гурухи**

№	Ишчи гурух раиси ва аъзолари	аъзоларнинг Ф.И.Ш	Лавозими, илмий даражаси ва уйони	Имзо
1	ранс	Х.Ш.Кадиров	Низомий номидаги ТДПУ ўкув ишлари бўйича проректори	
2	раис ўринбосари	Л.М.Бабаходжаева	Низомий номидаги ТДПУ Тарих факультети декани	
3	аъзо	Н.И.Саидхамедова	Низомий номидаги ТДПУ Таълим менежменти кафедраси мудири	
4	аъзо	Ғ.А.Абдилакимов	Низомий номидаги ТДПУ Таълим менежменти кафедраси доценти	
5	аъзо	О.Ш.Исмаилов	Низомий номидаги ТДПУ Таълим менежменти кафедраси доценти	
6	аъзо	Ш.Пўлатов	Низомий номидаги ТДПУ Таълим менежменти кафедраси доценти	
7	аъзо	К.М.Маматқулова	Низомий номидаги ТДПУ Таълим менежменти кафедраси доценти	

Ўкув ишлари бўйича проректор



Х.Ш.Кадиров

Ўкув-меъёрий ҳужжатларни
такомиллаштириш бўлими бошлиги



Б.Дж.Саттарова

Факультет декани

Л.М.Бабаходжаева